

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!”



НАМКОР

press



www.hamkorpress.uz



t.me/hamkorpress_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2021 йил 30 август. 16-17 (395-396)-сон

hamkor.press@mail.ru



Байрам табриги

УНУТИЛМАС ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР

Бахтиёржон ЖЎРАЕВ,

“Hamkorbank” АТБ Бошқаруви раиси

Шу кунларда халқимиз янги Ўзбекистон тарихидаги буюк ва шонли сана — Республикамиз мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамини катта шоду хуррамлик билан кутиб олмоқда. Бу даврда жонажон мамлакатимиз машаққатли, шу билан бирга, шарафли истиқлол йўлини босиб ўтди.

Ўтган давр мустақиллигимизга тенгдош бўлган “Hamkorbank” учун ҳам муваффақиятли, ҳам мураккаб бўлди. 1991 йил иш бошлаган жамоамиз бугун мамлакат миқёсида ўзининг 46 та филиалига эга бўлган чет эл капитали иштирокидаги салоҳиятли молия муассасасига айланди. Унда ишловчилар сони ҳозирда 3 минг нафарни ташкил этмоқда.

Албатта, бугунгидай қувончли дамларда аҳил жамоамиз томонидан эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиш, забт этилган марраларнинг салмоғини ҳис этиш ўзгача ғурур бағишлайди. Ўтган вақт ичида мураккаб синовлар, соҳамиз рағбатига тўсиқларни ҳамжиҳатлик ва оқилона ечим билан енгиб ўтишга тўғри келди. Билим ва маҳорат, вазиятга моҳирона ёндашув билан мураккаб вазиятлардан чиққан ҳолда олдинга интилиш йўлида давом этганимиз бугун ижобий самарасини бермоқда.

Ҳеч шак-шубҳасиз айтиш мумкинки, “Hamkorbank” Мустақиллик даврида банк тизимининг ривожланишида янгиликлар ва инновацияларни жорий қилиш бўйича муносиб ҳисса қўшган, бизнес вакиллари ва аҳоли учун ишончли ҳамкор сифатида ўзини намоён эта олди. Шунингдек, халқаро молия ва капитал бозори иштирокчилари ўртасида ҳам ҳурматга сазовор бўлиб, жаҳоннинг илғор банк тажрибаларини Ўзбекистонда жорий этишда

пешқадам сифатида танилди.

Йиллар давомида эришилган ижобий кўрсаткичлар, натижалар, шубҳасиз, мижозларимизнинг бизга билдирган ишончи, ҳамкасбларимизнинг фидокорона меҳнати, касбга садоқати “Биргаликда юксалиш сари” каби эзгу ғоя атрофида жипслашиб иш юритишининг самараси, деб ҳисоблайман.

Бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 32 та банклар орасидаги ўрнимиз дастлабки ўнтакда эканлиги юқоридаги фикрларнинг ёрқин исботидир.

Ишончли ҳамкор сифатида юқори сифатли ва технологик банк маҳсулоти ҳамда хизматларини тақдим этиш орқали мижозлар эҳтиёжларини юқори даражада қондириш банкнинг асосий миссиясидир. Ушбу миссияни амалга ошириш йўлида меҳнат қилаётган аҳил жамоамизнинг энг катта ютуқлари ҳали олдинда, деган умиддаман.

Биз учун ҳар бир ходим қадрли. Бугунги сана ўтган даврни сарҳисоб қилиш, келгусидаги устувор мақсадларни режалаштириб олиш учун ўзига хос далда берувчи муҳим тарихий кундир.

Кези келганда барча ҳамкорлар ва мижозларимизнинг узоқ йиллик ўзаро манфаатли ҳамкорлиги ҳамда бизга бўлган ишончи ривожланишнинг асосий омили бўлаётганини қайд этиш лозим. Ишонаманки, бундан буён ҳам Ўзбекистон тараққиётига биргаликда ҳисса қўшамиз.

Юртдошларимиз, банкимиз ходимлари, ҳамкорларимиз ва мижозларимизга қўшалок байрам муборак бўлсин! Қутлуғ айёмлар янги марраларга йўл очсин.

Қўйнинг бунча иссиқ,
ёқимли бағринг,
Бағрингда ўзимни
ғўдак сезаман,
Бир кун узоқ бўлсам
ўтади қадринг,
Ватан, ҳаммадан кўп
сени севаман!

Газетамизнинг ушбу
сони энг улуғ, энг азиз
байрамимиз — Вата-
нимиз мустақиллиги
ҳамда “Hamkorbank”
АТБнинг 30 йилли-
гига бағишланди.
Саҳифаларимиз
орқали нафақат
истиқлолимизни
мадҳ этдик, балки,
“Hamkorbank” фаоли-
тига ҳам чуқур назар
солдик. Банк эриш-
ган ютуқларни фах-
рий ходимларнинг
нуқтаи назарлари,
мижозларнинг самимий
қутловлари, жойлар-
да ўтказилаётган тур-
ли тадбирлар мисолида
ифодаладик.

30 ЙИЛ СИЗ БИЛАН БИРГА

Мижоз манфаатларининг устуворлиги, жаҳон стандартлари асосида ишлаб чиқилган банк механизми, Ўзбекистон молия тизимида етакчилик, хорижнинг илғор молия муассасаларининг ишончи, халқаро майдондаги юксак эътироф. Истиқлол тенгдоши, бундан роппа-роса 30 йил муқаддам “Андижонбанк” номи билан ташкил этилган “Hamkorbank” ҳақида сўз юритганда айнан мана шу таърифни келтириш жоиз. Бу банк ходимларининг узоқ йиллик самарали меҳнатининг натижаси, изланишдан тўхтамаслик, янгиликларни дадил амалиётга татбиқ этишнинг ҳосиласидир. Шакл-шамойили тубдан такомиллашиб бораётган, лекин миждоз манфаатларининг устуворлиги каби ноёб қадриятга содиқ банкнинг шонли тарихи, намуна бўлишга арзидиган тажрибаси бор.

“HAMKORBANK”:

1991 йил. “Андижон-банк” номи билан ўз фаолиятини бошлаган банкда бир неча ходим ишларди, холос. Барчаси ўз ишининг устаси, банкка содиқлиги, меҳнатсеварлиги билан кўплаб ютуқларни қўлга киритган кишилар эди.

1992 йил. Россия Банклар Ассоциацияси аъзоси бўлди.

1994 йил. Банкнинг Шаҳрихон ва Тошкент филиаллари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу муҳим воқеалик банкнинг филиаллар тармоғини кенгайтириш борасидаги дастлабки қадам бўлди. Айни дамда республикаимизнинг турли ҳудудларида 47 та филиал, 100 дан зиёд банк хизматлари офиси миждозларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

1995 йил. Биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Банклар Ассоциациясига аъзо бўлди.

2000 йил. Янги минг йилликнинг бошланиши банк учун бир қанча ютуқларни олиб келди. Дастлабки ребрендинг ўтказилиб, “Андижонбанк” номи “Hamkorbank” деб ўзгартирилди. Шу йилнинг ўзида “Pricewaterhouse Coopers” аудиторлик компанияси томонидан биринчи халқаро аудиторлик текшируви ўтказилди.

2001 йил. Халқаро молия ташкилотлари билан ўзаро ишончга асосланган муносабатлар бошланди. Айнан шу йили Халқаро Молия Корпорацияси ҳукумат кафолатисиз биринчи кредит линиясини тақдим этди.

2002 йил. Жаҳон Банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки каби йирик жаҳон молия ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишни бошлади. Шу йили ушбу таш-

килотлар томонидан биринчи кредит линиялари берилди.

2005 йил. Банк халқаро SWIFT тўлов тизимига аъзо бўлди. Европанинг энг йирик молия муассасаларидан бири бўлган Райффайзен банк Интернешнл вакиллик ҳисоб рақами очилди. Банк шу йили VISA халқаро тўлов тизимининг аъзосига айлан-ди.

2007 йил. “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлигининг рейтингига эга бўлди.

2009 йил. Халқаро Молия Корпорациясининг техник кўмаги билан бир неча меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Республикада биринчилардан бўлиб Корпоратив бошқарув ва Корпоратив этика кодекслари жорий қилинди.

2010 йил. Хорижий ҳамкорлар билан ишлаш фаолияти янги босқичга кўтарилди. Халқаро Молия Корпорацияси акциядор бўлди. Осиё Тараққиёт банки ва Ислон хусусий секторни ривожлантириш корпорацияси билан ҳамкорлик бошланди.

2011 йил. Жаҳон банки таркибига кирувчи Халқаро Тараққиёт уюшмаси билан келишув имзоланди, Германия Тараққиёт Банки билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

2012 йил. VISA ва UnionPay International халқаро тўлов тизимларида ишлаш бўйича процессинг маркази очилди.

2013 йил. “Glo-

bal Finance” халқаро журнали “Hamkorbank”ни “Осиё регионининг ривожланаётган бозорларидаги 2013 йилнинг энг яхши банки”, “Asian Banking & Finance” журнали эса “2013 йилда Ўзбекистондаги кичик ва ўрта бизнес учун энг яхши банк”, дея эътироф этди. Худди шу йили янги логотип ва фирма белгисини жорий қилди. Банк фаолиятидаги муҳим воқеалик — ребрендинг амалга оширилди.

2014 йил. Голландия Тараққиёт Банки (FMO) банкнинг иккинчи хорижий акциядори бўлди. Натижада чет эл капитали иштирокидаги банк мақомига эга бўлди.

2015 йил. Осиё Тараққиёт банкнинг Ўзбекистондаги етакчи ҳамкори сифатида эътироф этилди. Германия Commerzbank эса ҳужжатли операциялар ва халқаро савдони молиялаштириш соҳасидаги аъло даражадаги ҳамкорлиги учун мукофот билан тақдирлади.

2016 йил. “Электрон молия хизматлари ва технологиялари” “IFin -2016” Халқаро форумида иштирок этди.

Ўзининг 25 йиллик юбилейини тантана қилди. Қутлуғ сана муносабати билан “Hamkorbank” — 25 йил молия бозорида” деб номланган китоб нашр қилинди. “Она ва бола йили” давлат дастурининг ҳудудларда бажарилишида фаол иштироки учун “BankExpo – 2016” кўргазмаси лауреатига айланди. Халқаро Moody’s рейтингини тасдиқлади. Барча йўналишлар бўйича барқарор деб топилди ва “TERAWard -2016” тақдирлаш маросимида Осиё Тараққиёт Банкнинг етакчи ҳамкори сифатида эътироф этилди.

2017 йил. Инха университети билан ўзаро келишув меморандуми, ICD (ИКРЧС) молиялаштириш бўйича ҳужжат имзоланди. Ангрен шаҳрида янги филиал, шунингдек, Урганч шаҳрида Бизнес маркази фаолиятини бошлади. Айнан шу йили “Сбербанк России” билан корреспондентлик муносабатларини ўрнатди. Интернет харидни конверсион карта билан амалга ошириш-

ни бошлади. ЕБРР билан бизнесни молиялаштириш учун келишув имзоланди.

2018 йил. Ўзбекистонда илк бор омонатни расмийлаштириш ва конверсияни онлайн амалга ошириш йўлга қўйилди. Жисмоний шахслар учун масофадан туриб карталарни расмийлаштириш бошланди. Мамлакатимизда биринчи бўлиб Visa Virtual мобил иловаси орқали виртуал карталар чиқаришни бошлади. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Ислон корпорацияси билан меморандум имзоланди. “Береке” халқаро пул ўтказмалари йўналиши бўйича “Айыл банк” билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Филиаллар сони 42 тага етди.

2019 йил. Халқаро Moody’s агентлиги рейтинг юқори эканлигини эътироф этди. Humo, Uzcard, Union Pay кобейдж карталарини эмиссия қилишни бошлади. Юридик шахслар учун мўлжалланган интернет банкинг тизимига хориж валютасини харид қилиш ва сотиш функцияси қўшилди. “Hamkorbank” Гарант янги хизмат турини тақлиф этди. Тадбиркорлик субъектларига кўрсатаётган хизмат сифати бўйича энг яхши банк сифатида тан олинди. Қашқадарё ҳудудий филиали ўз фаолиятини бошлади.

Малака ошириш учун “Энг яхши компания” сифатида эътироф этилди.

S&Global Rating рейтинг агентлиги рейтингини янгилади. Visa gold карталарини эмиссия қилишни бошлади.

2020 йил. Каттақўрғон, Шаҳрисабз ва Нурафшон филиалларининг фаолияти йўлга қўйилди. SWIFT gpi янги тизими амалиётга жорий этилди.

Hamkor Mobile иловасининг ёрдами билан масофада туриб “Золотая корона” халқаро пул ўтказмалари ёрдамида жўнатилган маблағларни барча банкларнинг Humo ва Uzcard карталарига миллий валютада ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Hamkor Mobile иловасида яқка тартибдаги тадбиркор ва корхоналарнинг бир марталик тўловни амалга оши-

риш имконияти татбиқ этилди.

Кичик бизнесни молиялаштириш учун Нидерландия Тараққиёт Банки билан жами 40 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиясини ажратиш юзасидан келишув имзоланди. Халқаро қимматли қоғозлар бозорида ўз фаолиятини бошлади.

Америка Қўшма Штатларининг “Bank of New York Mellon” банки билан тўғридан-тўғри корреспондентлик муносабатлари ўрнатилди.

Россиянинг “Сбербанк онлайн” иловаси орқали банк карталарига тўғридан-тўғри пул ўтказиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда ипотека кредит линияларини молиялаштирувчи компания билан кредит линиясини ажратиш бўйича бош битим имзоланди.

2021 йил. Самарали ҳамкорлик учун халқаро Visa тўлов тизими томонидан эътироф этилди. @hamkorbank-online-boti ишга туширилди. Халқаро молия нашри — “Aziamoney” томонидан Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган банклар орасида “Энг яхши рақамли банк” сифатида тан олинди. Миллий маркетинг маркази томонидан ташкил этилган “Йил бренди — 2020” танловида “Банк хизматлари тоифаси”да биринчи ўринни эгаллади.

Банкнинг қисқа рақами 12 56 ишга туширилди. Ташкил топганлигининг 30 йиллиги муносабати билан Visa Classik (exchange) карталари банк офисларида бепул расмийлаштирилмоқда. Осиё Тараққиёт Банки билан Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес, шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган 20 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиясини давлат кафолатисиз ажратиш бўйича келишув имзоланди.

Янги маррани забт этди — кредит портфели 8 триллион сўмдан ортди. Осиё Тараққиёт Банки билан 20 миллион АҚШ долларилек келишув имзоланди.

Аҳил жамоа, тинимсиз изланиш, узоқ масофага қарамасдан яқдиллик, умумий ишни юқори сифат ила бажариш иштиёқи. Бу ўзига хос тараққиёт формуласидир. Ўсиш ва ривожланиш тушунчаси банк учун оддий тушунча эмас, балки, кундалик ҳаёт тарзига айланган.

Замон билан ҳамнафас бўлишга интилаётган жамоа учун ҳар бир янги кун янги имконият, юксалиш, ривожланиш деганидир. Барчани юксаликка чорлаб, ўзи ҳам йиллар силсиласида тараққий этиб бораётган ҳақиқий ҳамкорнинг баланд парвози бардавом бўлсин!



Ватан — юракда ўсган дарахт. У инсоннинг меҳридан, муҳаббатидан, садоқатидан баҳра олиб кўкаради. Унинг танаси метин иродали, шавкатли, шижоатли эрлар, шоҳлари учмоққа шай оловқалб ёшлар, барглари эртанинг ёруғ истиқболлари бўлмиш ширинтой фарзандлар. Илдизи борга ҳам йўққа ҳам жимгина кўнувчи, бутун танасида садоқат сақлаб, асраб-авайловчи жонсарак ва фидойи жон бўлмиш аёл-дир. Ватан — муқаддас бешик бўлмиш оилам. Ватан — менинг бугуним ва эртанг, истиқлолим нурга тўла истиқболимдир. Аслида ватанга бўлган муҳаббат инсон юрагидан жой олади. Бу туйғуни ҳис қилиш эса энг улуғ бахтдир.

ОСМОНЛАРИ ЕР-У, ЕРИ ОСМОНИМ, ВАТАН

Ватан туйғуси — бу ўз ақл-идроки билан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз, қомусий мутафаккирларимизни ёдга олишдир. Халқини севиш, у билан фахрланиш, уни ҳурмат қилиш ва қадрига етиш демакдир.

Ватанни севиш бу — азиз ва лазиз, гўзал маконга юксак эътиқод билан яшаш ва унга ҳамиша чин фарзанд бўлиш.

Ана шундай туйғу, ҳисларга эга бўлган инсон ўз ватанини севмаслиги, ватанидан йироқда бўлганида ҳам уни қўмсаслиги мумкин эмас.

Мустақиллик эълон қилинган йиллари ёши тўқсонни қоралаб қолган бобом раҳматли шундай деган эди: “Болам, мустақилликка эришиш учун қанча оғир кунларни бошидан кечирди бу халқ. Қон тўкилмаган, уруш-низолаб бўлмаган бўлсада нималарнидир, кимларнидир бой берилди. Шукри, дорилмон кунларга ҳам етдик. Энди уни асрай билишимиз, қадрига етишимиз керак.

Озодлик учун миллатлар бир-бирлари билан урушлар олиб боргани тарих саҳифаларида қора доғлар қолдирган. Бизлар бир тишлам нон учун кунлаб навбатда туришлар азобини кўрганмиз, бутун бир қишлоқда битта шифокор бўлмагани учун қанчалаб одамлар аниқланмаган касалликлардан ўлиб кетганини биламиз, оталаримиз бебабаб қулоқ қилиниб “хоиннинг боласи” деган тавқи-лаънат остида яшаш қанчалар оғир экан-



лигини биз кўрдик, сизлар кўрманг илоҳим.

Болажонларим, сиз учун биз босиб ўтган йўл бамисоли эртанг. Бахтингиз мустақилликнинг, эркиннинг болаларисиз. Юртимиз тинчлиги, осойишталик ва хотиржамлик учун шукур”.

Бобомнинг гаплари ўша пайтлари ҳақиқатдан ҳам худди эртақдай туюларди. Бироқ ҳақиқатни англаб етдикки, бизнинг ҳаётимизни ташқаридан биров келиб ўнглаб бермайди. Уни ўзимиз, бир-галашиб яратамиз, яхшилаймиз, асраймиз. Шу сабаб ҳам мустақилликни асраш, тинчликни қадрига етиш, шукур қилишни билиш лозим.

Дунёда тинчлик сўзидан қадри ва юракка яқин калом топилмаган. Тинчлик, эзгулик, оқибат тушунчаларидан кўра қадрлироқ туйғу йўқ асли-

да. Зотан, мана шу қадриятлар силсиласида камол топаётган инсон, энг аввало, ўзлигини тўла англаб етади. Яшашга бўлган умид ва ишонч юксалади. Эртага менинг ортимда нимадир қолиши керак, — деган қатъий ишонч уни атрофдагиларга нисбатан хайрихоҳ бўлишга, тинчликнинг қадрига етишга, эзгулик қилишга, оқибат кўрсатишга ўргатади. Аслида тунларимиз осуда, кунларимиз бежавотир ўтаётгани, илм олиб, изланишга имкон бўлаётгани, оналаримиз алласини тинглаш, гўдаклар кулгисига гувоҳ бўлиш, кексалар дуосига қўл очишдек бахтга мушарраф бўлаётганимизнинг ўзи саодат эмасми?

Мактабда адабиёт фанига меҳр уйғотган сеvimли ўқитувчим Дилфуза опанинг қизи хориждаги олий ўқув юртларидан бирида таҳсил олишини эшитгандим. Устоз билан кўришганимизда шу ҳақда сўрагандим, “Ўқиши якуланиб қолди, шу йил қайтади”, дедилар. Бугун кўплаб ёшлар хорижда ўқишга, ишлашга, яшашга қизиқиб турган бир пайтда наҳотки қизингиз қайтишни хоҳлаётган бўлса, дегандим. “Қизим: “ойи, бу ерда бир ой кийсангиз ҳам оёқ кийимингиз чанг бўлмаслиги мумкин, аммо мен, барибир, ёзда чанг, қишда лой кўчаларни соғинаман. Бу ерда ота билан бола ўртасида шартнома тузилади. Оилада меҳр-оқибат деган тушунчалар саёз. Ота-она буюрган юмуши учун фарзанд ҳақ талаб қилади. Шу сабабли кўёши беминнат ўзбек халқи орасида туғилиб, ўсганимга, қишлоғимнинг кекса боболари-ю, насиҳатгўй момоларининг борлигига шукур қиламан. Юртимдаги тинч ва осойишта ҳаётга, меҳр-оқибатли инсонларига бутун дунё бойлигини алмаштириб бўлмайди”. Қизимни ҳақиқий ватанпарвар десам хато бўлмас-а?” деганида Ватанни севиш аслида шу бўлса керак деб ўйладим.

**Мен дунёни не деб атай? Бу бир кўҳна боғ,
Ўз билганин сайрар бунда ҳар қумри, ҳар зоғ.
Асло сенинг бағрингда кўрмайин мен доғ,
Юлдузларга осмон бўлган эй нурли тупроқ,
Осмонлари ер-у, ери осмоним, Ватан!**

Феруза ОРИПОВА.

ХЎЖАОБОДДА КАТТА БАЙРАМ

30 йиллик қўшалоқ айём арафасида “Hamkorbank” тармоқларида бу санани кенг нишонлаш анъанаси йўлга қўйилди. Ана шундай тадбир 25 йиллик фаолиятга эга Хўжаобод филиалида ҳам бўлиб ўтди.



Дастлаб меҳнатларнинг эътирофи сифатида банк ривожига ўз улушини қўшиб келаётган бир қанча ходимларга мукофот ва совғалар топшириш маросими ўтказилди. Филиал бошқарувчиси Искандар Аҳмедов, чакана бизнес бўлими бошлиғи Камолиддин Қорақулов, касса амалиётлари бўлими кассири Гулчеҳра Умрзоқова махсус фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Ёш бўлишига қарамай юқори натижаларга эришиб келаётган касса мудирини Машрабжон Жўраевга ташаккурнома берилган бўлса, узоқ йиллардан буён ўз меҳнати, тажрибаси билан жамоа виждонига айланган Бек офис етакчи мутахассиси Аҳмаджон Зайлобиддиновга эсдалик учун кумуш танга тақдим этилди. Мукофотларни Бош банк номидан Хазина департаменти директори Шерзод Мамасолиев топширди.

Шундан сўнг шодиёналар уйида тузатилган серфайз дастурхон атрофида филиал ходимлари тармоқнинг энг намунали, қадрдон мижозлари билан биргаликда байрамни давом эттирди. Хонандалар Дилфуза Раҳимова ва Фарҳод Нафтиевлар дилтортар қўшиқлари билан йиғилган меҳмонларга катта завқу-шавқ бағишлади.

Бекзод МУТАЛЛИБОВ.

“HAMKOR SUGURTA” БУХОРО ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 30 йиллик айёми билан самимий қутлайди!

Энг улуғ, энг азиз байрам барчангизга қувончу шодлик, хонадонингизга қутбарака олиб келсин, эзгу ниятларингиз рўёбга чиқсин!

Хурлик ва озодликнинг фараҳбахш зиёси сеvimли Ватанимиз учун абадий бўлсин!

**ИСТИҚЛОЛГА ҲАМНАФАС ДУНЁГА
БЎЙЛАГАН “НАМКОРБАНК” АТБНИНГ
ҚУТЛУҒ БАЙРАМГА МОНАНД 30 ЁШИНИ
ҚАРШИЛАЁТГАНИ ҲАМ БАРЧАМИЗНИ
ҚУВОНТИРМОҚДА.**

Тарихан қисқа даврда банкнинг нафақат мамлакатимизда, балки, хорижда ҳам ўз нуфусига, салоҳиятига эга эканлиги эътиборга молик. “Биргаликда юксалиш сари!” шиори асосида иш ташкил этаётган аҳил жамоага янада улкан ютуқлар, муваффақиятлар тилаб қоламиз. Бу йўлда биз ҳам янги ташаббуслар билан иш олиб бориш баробарида унинг ривожига ҳисса қўшамиз.

“20 ЙИЛДАН ЗИЁД ШУ ЕРДАМИЗ, САБАБИ...”

“Hamkorbank” 30 йиллик фаолияти давомида катта бир тарихни ёзиб улгурди. Бу воқеликни амалга оширишда кўплаб инсонларнинг иштироки бор. Улар ҳамон шу банк билан бирга. Ана шундай ходимлардан айримларининг фикрига қулоқ тутдик.

“БАНКДА ИШЛАБ, ФАН ДОКТОРИ БЎЛМОҚЧИМАН”

**Абдулқуддус УМАРОВ,
Нодирабегим филиали чакана бизнес бўлими бошлиғи,
бошқарувчи ўринбосари:**

— 1995 йилда “Hamkorbank”дан Ҳалима Аҳмедовна бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар ўрта бухгалтерия махсус техникумига бориб, суҳбат асосида 12 нафар энг яхши битирувчини танлаб олишган. Улар орасида мен ҳам бор эдим.

Ўдимда, Бош банкнинг ёнидаги “Обший двор” бузилиши керак эди. Ҳашар куни раиснинг ўзи бузилган жойдаги катта ёғочни елкасига даст кўтариб, ташишга тушди. Бунни кўргач, ходимлар ҳам ишга киришди. Ўшанда раҳбаримиз ҳаммага раҳмат айтиб, “Ишни бир кунда тамомладик, демак, ҳали жуда катта ўзгаришларга қўл урамиз. Мана,

кўрасизлар, келажакда банкимизни нафақат юртимизда, балки, бутун дунёда танишади”, деган эди. Унинг ана шу бир оғиз сўзи мени шу даражада завқлантирдики, ҳаётимни “Hamkorbank” билан боғлашга қарор қилдим.

Ишонасизми, шу ерда ишлаётганимдан буён деярли барча орзуларим амалга ошди. Уй олмоқчи эдим, ипотека кредити берилди, машина олишни истагандим, автокредитга шароит қилиб беришди. Фарзандларимни ўқитдим, оиламни бекаму кўст қилдим. Ўйлаб қарасам, банкнинг ҳаётимга таъсири жуда катта бўлибди. Энди мен ҳам бу яхшилик-



ларни қайтаришим шарт. Менга кўп нарса берган “Hamkorbank”ка мен ҳам нимадир бермоқчиман.

Ҳозирда Тошкент банк молия академиясининг магистратурасида сиртдан ўқияпман. Таҳсилни докторантурада ҳам давом эттириб, илмий ишга қўл урмоқчиман. Бу билан банкимизнинг илмий салоҳияти нақадар юқори эканлиги, унда фан докторлари ҳам етишиб чиқиши мумкинлигини амалда исботлашни мақсад қилдим.

“ТАНЛОВИМНИНГ САБАБЧИСИ — АҲИЛЛИК”

**Муҳайё ЎРИНОВА,
Шаҳрихон филиали мидл офис биринчи
тоифали менежери:**



— 23 йил аввал “Андижонбанк”нинг ходимига айланганман. Ўқишни энди тамомлаган ёш қиз эдим. Бухгалтерия ишига қизиққанам учун банк танловида тўхтадим. Қарорим менга омад келтирди.

Жамоанинг аҳиллиги, қизғин иш суръати мени ўзига тортди. Кўпчилик ишлайдиган жойда ғийбат, бир-бирини кўролмаслик, вазифасини хўжақўрсинга бажариш иллатлари бўлади. “Hamkorbank”да ана шу камчиликларни кўрмадим. Қолаверса, янги келганимда устозларим ишга сидқидилдан, виждонан ёндошишни ўргатди. Билдимки, бу ерда ҳалол ва юракдан ишлаган ходим ҳурмат топади. Шахс ва мутахассис сифатида шаклланишимга шароит яратиб бергани учун ҳам “Hamkorbank”ка янада меҳр қўйдим.

Масалан, аввал мижоз бирон амалиётдан фойдаланиши учун банкка келиши шарт бўлган. Ҳозир масофадан истаган операциясини бажариши мумкин. Банк офисида келмаса ҳам ҳисоб рақами, пул айланмасининг қолдиғига билади. Демокчи бўлганим, “Hamkorbank”даги ўзгаришларни энг биринчи навбатда мижозларга хизмат кўрсатишдаги ривожланишлар мисолида билса бўлади.



“ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ МАЪҚУЛ КЕЛГАН”

**Ҳаётбек ҲАЙДАРОВ,
Бош банкнинг мижозлар
ва сотиш департменти
транзакцион хизматлари
мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси:**

— Йигирма ёшли йигит эдим. Дадам етаклаб келиб, ишга жойлаштирган. У пайтда Андижон иқтисодиёт муҳандислик институтида сиртдан таҳсил олардим. Ишни шаҳар амалиёти касса бўлимида стажёрликдан бошлаганман. Бу воқеага ҳам 26 йил бўлибди. Ўша пайтнинг ўзида “Андижонбанк”нинг келажак борлигига ишонганман. Ишни ташкил қилиш тартиби, жамоадаги оқибат, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси маъқул бўлган. Масалан, 2000 йилларда бошқа ташкилотларда маошнинг вақтида олиш орзу эди. Банкимизда эса ходимлар учун бепул тушлик, мукофот пуллари жорий этилганди. Дунё стандартлари, тезкор хизмат борасида бошқа банклардан анча илгарилаб кетган эдик. Ана шу омилларнинг барчаси мени шу даргоҳга чамбарчас боғлади.

Мен илк иш бошлаган даврларда мижозлар тушдан кейин қабул қилинмасди. Филиаллар саноқли бўлган. Кўз ўнгимда “Hamkorbank” юксалиб борди. Мижозларни қабул қилиш вақти узайтирилди. Чет эл капитали иштирокидаги тижорат банки мақомига эга бўлди. Бундай ўзгаришларни санаб адоғига етиб бўлмайди.

ОМОНАТЧИ

Орттирилган маблағ-омонатлар ҳаммага ҳам ишониб топширилмайди. У ҳалол, инсофли, иймонли инсонларга ишонилади. Шу маънода бугун юртимиз аҳолиси ўз пул маблағларини омонат кўришида банкларга қўймоқда. Пуллари бировга бериб ололмаганлар қанча. Бу борада мен “Hamkorbank”ни ўзимга дўст тутиб адашмадим. Фарзандларим турли корхона ва ташкилотларда фаолият олиб боришади. Улар ҳам мен каби “Hamkorbank” билан қадрдон. Йиллар давомида даромадларини шу молия муассасасида сақлаб келмоқда.

“БАНК МЕНИНГ ОИЛАМ”

Мамлакатимизнинг қай бир гўшасида бўлмай, “Hamkorbank” ёзуви-га кўзим тушса ажиб ҳисни туяман. Бу банкка пул қўйганимдан эмас, балки, оилавий ҳамкоримиз бўлиб қолганидандир.

Ишонч ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Наманганда банкнинг биринчи филиалини очилиш маросимида таклиф этилганимда бахтиёр бўлдим, илк иштирокчи сифатида рамзий лентани филиал раҳбари билан кесганмиз. Бунга етарлича асос бор. Чунки мен тетапоё даврдан буён кўмакчиман. Қонуний қафолатланган молия муассасасига ишонаман.

Асли касбим шифокор. “Юксалиш” ҳамда Наманган минтақавий филиалининг омонатчиси сифатида кўрсатилаётган хизматлардан мамнунман. Фоизи юқори, ишончли. Ва ҳамиша талабимни юқори баҳолайди, биринчи бажаради. Қолаверса, узоқ йиллик ҳамкорлар ҳамиша қадрланади. Бу унинг нуфузи ва ишончилигини оширади. Омонат бир инсоннинг иккинчи бир инсонга бўлган ишончи ва садоқатининг белгиси, ўлчови ҳамдир. Банкда ана шу туйғулар мужассам.

Олимжон МИРАБДУЛЛАЕВ.
Наманган.

ЎЗ ИМИДЖИГА ЭҒАЛИГИ БИЛАН ҚАДРЛИ

“HAMKORBANK” акциядорлик-тижорат банкининг мамлакатимиз тараққиётида ўз ўрни бор. Банк истиқлолнинг илк кунлариданоқ Ватанимиз иқтисодиёти равнақига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Замонавий, энг илғор технологик ва дастурий янгиликларни биринчилардан бўлиб жорий қилинганлиги, кадрлар сиёсатининг оқилона йўлга қўйилганлиги, хизмат сифатининг юксак даражага кўтарилганлиги мазкур молия муассасининг нуфузи ва обрўсини оширгани эътирофга лойиқ. Мана 30 йилдирки, банк-молия тизимида ўз имиджини ярата олган мазкур банк мижозлар ишончини қозониб келмоқда. Бунинг асосий сабаби банкнинг қатъиятли ва изланувчан раҳбарияти ҳамда тажрибали ва салоҳиятли ходимлари ҳисобланади.

Масъулияти чекланган жамиятимиз айна “Hamkorbank” АТБнинг 100 фоиз таъсисчилигида фаолият кўрсатаётган суғурта компаниясидир. Жамоа жорий йилда ўзининг 10 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Ўтган йиллар мобайнида “Hamkor Sug’urta” МЧЖ ўз таъсисчисидан ўрнатилган ҳолда, суғурта бозоридан муносиб жой эгаллаш ҳамда мижозлар танловига сазовор бўлиш учун хизматлар сифатини яхшилаш ва

ходимлар малакасини оширишга эътиборини қаратиши билан муваффақиятларга эришди. Чунончи, жорий йилнинг биринчи ярмида 27 минг 463 та суғурта шартномаси тузилиб, улардан 15 млрд. сўмдан ортиқ суғурта мукофоти келиб тушди ва қарийб 4 трлн. сўмлик жавобгарликлар қабул қилинди.

“Hamkorbank”нинг меҳнатсевар ва изланувчан жамоасини 30 йиллик айём билан қутлаймиз. Эл-юрт равнақи йўлидаги олий-

жаноб ишларига ривож тилаймиз. Ишонимизки, ўз олдига юксак мақсадларни қўйган банк ходимлари янги Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнашига, унинг иқтисодиётини юқори поғоналарга олиб чиқишга муносиб ҳиссаларини қўшади.

**“HAMKOR SUG’URTA” МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ.**



ДАРДОҚ ДАЛАЛАРИДАН МОСКВАГА

Қўрғонтепа тумани, Дардоқ қишлоғида 27 йилдан буён фаолият юритаётган “Оқ сув” фермер хўжалиги ва унинг асосчиси тадбиркор Алижон Аҳмедовни кўпчилик яхши таниди. Сабаби мазкур фермер хўжалиги йўлга қўйган бизнес тузилма самарадор ва истиқболли эканлиги билан довруғ қозонган. Чекка бир қишлоқда ишлаб чиқарилаётган “Akbel” бренди билан танилган пишлоқ, творог каби сут маҳсулотлари сифат борасида анча-мунча хориж маҳсулотларидан ўтади. Мана, уч йилдирки, “Оқ сув”га қарашли яна бир бизнес лойиҳа муваффақиятли кечмоқда. “Hamkorbank”нинг Қўрғонтепа филиалидан олинган 1 млрд. 461 млн. сўм ҳамда 608 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит эвазига ишга туширилган совитишхонада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланади.

СОНИЯЛАРДА МУЗГА АЙЛАНАДИ

Совитишхонанинг фаолияти билан танишишга борганимизда булғори қалампери қайта ишланаётган экан. Бу жараёнда 60 нафарга яқин ишчи иштирок этмоқда. “Оқ сув”нинг ўз далаларида етиштирилган сабзавот қайта ишлаш линияси ёрдамида ювиб, тозаланиб, бўлакларга бўлиниб, бир неча сонияда музлатишга эришилади. Сўнг қоғоз қутиларга солиниб, экспорт учун тайёрланади. Корхонанинг асосий бизнес ҳамкори Россия давлати. Айниқса, Москва шаҳрида музлатилган ўзбек сабзавотларига бўлган талаб юқори. Ушбу мавсумнинг шу кунига қадар 120 тонна гул-

карам, 125 тонна брокколи карам, 187 тонна қора гилос, 20 тонна ошқовоқ, 20 тонна ширин макка, 30 тонна булғори қалампери экспортга жўнатилди.

ИШЧИЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Совитишхонада 130 га яқин ишчи меҳнат қилади. Иш икки сменада ташкил қилинган. Бепул тушлик йўлга қўйилган.

— Уч йилдан буён шу цехда ишлайман, — дейди Фотима Хўрбоева. — Фаолиятимиз эрта баҳордан декабргача давом этади. Кейин дам олиб, мавсум бошланганда яна чиқамиз. Эрталаб келишимизга меҳнат

қуролларимизни тайёрлаб қўйишади. Иш бошқарувчиларнинг муомаласи жуда чиройли. Иш ҳақимиз вақтида берилади. Мукофот пуллари ҳам оламиз. Даромадимиздан кўнглимиз тўляпти. Энг муҳими, пешона теримиз билан ҳалол луқма топпамиз. Тилагим, корхонамиз иши фақат олдинга қараб ривожлансин.

ДАНАКЛАР ҲАМ ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ

— Корхонамизда иш шундай ташкил қилинганки, маҳсулотнинг ҳеч қайси қисми увол қилинмайди, — дея қўшимча қилди бизни жараён билан таништирган иш бошқарувчи Равшанбек Абдуғиёсов. — Ҳақиқий тадбиркорлик шу бўлса керак. Мана, ҳозир қайта ишланаётган булғори қалампирининг уруғлариваяроқсизқисмлари офтобда қуритилиб, сотилади. Уруғи кўчат учун олин-



са, этили қисми қалампир, овқат қизартирувчи кукунлар тайёрлашда қўлланилади. Қора гилоснинг данакларини ҳам кўчат етиштирувчилар олиб кетади. Қайси маҳсулотни қайта ишласак, ҳеч бир жойини увол қилмай, ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

АҚЛЛИ ОТАНИНГ МУЛОҲАЗАЛИ ЎҒЛИ

Алижон Аҳмедовнинг ўғли Равшан отаси каби ақлли, мулоҳазали, билимдон йигит. Америка Қўшма Штатларида таҳсил олиб келган ёш тадбиркор ҳозирда отаси асос солган катта бизнес тармоқнинг масъулиятини ўз


зиммасига олган. Унинг чуқур идрок билан узоқни кўзлаб амалга ошираётган ишлари самарали ва муваффақиятли кечмоқда. Шу боис бизнеси доимий ривожланишда, инқирозу касодлардан ҳоли. Негаки Равшанбек бировнинг ҳақиқа хийнат қилмайди, тўғрисуз ва ҳалол. Кўпни кўрган, қишлоқ хўжалигининг билимдони ҳисобланган донишманд падарибузруквори унга ҳамиша маслаҳат бериб туради. Айнан совитишхона лойиҳаси ҳам ота-ўғилнинг кенгашиб, пухта режа асосида ишлаб чиққан бизнес ғояларининг маҳсулидир.

Нигора МИРОЛИМ ҚИЗИ.

Ватанимиз

муштақиллигининг 30 йиллиги арафасида “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” шиори остида ўтказилган кўшиқлар танловининг республика босқичида “Hamkor navo” ижодий гуруҳи хонандаси Дилфуза Раҳимова 3-ўрин ғолибаси бўлди.

Суратда:
Дилфуза
РАҲИМОВА.



БАЙРАМ ИЛҲОМИ

ЮКСАЛИШ САРИ

Ўттиз йилки юрт ишончи ва умиди қўлимизда, Орзулар рўёб бўлди иқболи кулган элимизда, Эзгу мақсад илинжида кетмоқдамиз йўлимизда, Олдиндадир нурли манзил, олдиндадир ҳали бари, Қани халқим, биргаликда учайлик юксалиш сари!

Меҳнатингни қадрлаган, шарафлаган юрт сеники, Ҳалоллигинг орқасидан баракаю кут сеники, Карвон каби қўша-қўша ғалабалар кут сеники, Олдиндадир нурли манзил, олдиндадир ҳали бари, Қани халқим, биргаликда учайлик юксалиш сари!

Вафодорлик ва садоқат сингиб кетган қонимизга, Эл-юрт учун тин олмаймиз, жонни қўйиб жонимизга, Келажакка дадил боқиб, шаън қўшайлик шонимизга, Олдиндадир нурли манзил, олдиндадир ҳали бари, Қани халқим, биргаликда учайлик юксалиш сари!

Қутлуғ ишлар самараси жўш урдирар одимларни, Ҳар гўшада нуфузи бор “ҳамкорбанк”чи ходимларни, Аъло хизмат ва эътибор мамнун қилар одамларни, Олдиндадир нурли манзил, олдиндадир ҳали бари, Қани халқим, биргаликда учайлик юксалиш сари!

Севарахон МУХТОРОВА.

ҚУТЛОВ

Корхонамиз 2007 йилдан буён “Hamkorbank” АТБнинг хизматларидан фойдаланиб келади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳамкорликда фаолият юрита бошлаганимиздан сўнг, корхонамизнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини бир неча баробарга оширишга эришдик.

РИВОЖЛАНИШИМИЗ АСОСИ — ҲАМКОРЛИК

Банк томонидан жамиятимизга миллий ва чет эл валюталарида ажратилган кредит маблағлари эвазига энг замонавий дастгоҳлар сотиб олинди. Натижада ишлаб чиқаришимиз кенгайиб, иш ўрни 650 тага етказилди. Банк доимий равишда ривожланиб боришимизга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

“Hamkorbank”ка ҳурматимиз, ишончимиз чексиз. Ана шу боис, ўтган 15 йил давомида қўшимча ташкил этилган корхоналаримиз — Урганч шаҳрида “Хоразм ипаги” МЧЖ, “Урганч Текс” МЧЖ, “Смарт Инвест” МЧЖлар ҳам банкнинг мижозла-

рига айланди.

“Hamkorbank” ташкил топганлигининг 30 йиллик юбилеи муносабати билан корхонамиз ишчи-хизматчилари ва раҳбарияти номидан банкнинг жонкуяр, фидойи, масъулиятли ходимларини чин дилдан муборакбод этамиз. Келгусидаги ишларингизга омад тилаган ҳолда, бундан кейин ҳам биргаликда фаолият юритишимизни алоҳида таъкидламоқчиман! Байрамингиз муборак бўлсин!

Б. АҲМЕДОВ,

“Урганч-Бахмал” МЧЖ бош директори.

“НАМКОР PRESS” СОВРИНДОР БЎЛДИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда бир қатор вазирлик ва ташкилотлар томонидан мамлакатимиз муштақиллигининг ўттиз йиллигига бағишлаб ташкил этилган “Энг улуғ, энг азиз” Республика танловининг Андижон вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Унда “Hamkor press” газетаси иқтисодий-ижтимоий ҳаётни ёритишдаги фаоллиги учун 3-ўринга муносиб топилди. Тахририят ижодий ходимлари ва жамоатчи мухбирларни



мазкур мукофот билан қутлаймиз.

НАМАНГАН

меҳмонхонаси

“Hamkorbank” АТБ Юқалиш филиалининг йирик мижозларидан. Филиал замон билан ҳамнафас ривожланаётган меҳмонхонанинг молиявий кўмакчиси.

Тадбиркор Муяссархон Бойдадаева 2008 йилда Наманганда биринчи хусусий меҳмонхона фаолиятини йўлга қўяди. Дастлаб 20 нафар ходим билан иш бошлаган мазкур меҳмонхонада бугунги жамоа 42 нафар ўз касбининг эгалари билан шаклланган.

Меҳмонхона гуллар шаҳрининг қоқ марказида жойлашган бўлиб, у ердан Чорсу бозори ёки Наманганнинг турли жойларига кириб бориш мумкин. Нафақат вилоятлардан келаётган меҳмонлар, балки, сайёҳлар учун ҳам қулай ва замонавий шароитларга эга.

2014 йилга келиб ушбу меҳмонхона анча кичиклик қилиб қолади. Чунки ташриф буюрувчилар сони кун сайин ортиб боради. Уни кенгайтириш ва меҳмонларга бугунги кун талаби даражасида хизмат кўрсатиш учун тадбиркор кўшимча қурилиш бошлади. Қурилиш ишлари 2015 йилда якунланиб, 139 ўринга мўлжалланган меҳмонхона мукаммал таъмирланиб, ишга туширилди. Ташриф буюрувчилар меҳмонхона хизмати учун масъул бўлган Евгения Павловна томонидан барча шароитлар билан танишадилар.

— 2020 йилдан буён молиявий кўмак бериб келаётган “Hamkorbank” фаолиятимизнинг ривожланишига ўз хиссасини қўшмоқда, — дейди Евгения Павловна.

Ҳар куни эрталаб мижозлари учун континентал нонушта ташкил этилади. Бундан ташқари улар турли таом ва ичимликларга хонада туриб буюртма беришлари мумкин. Меҳмонхона миллий услубда безатилган, 1-қаватида маъмурият ва фойэ. Мўъжазгина кутубхона ҳам ташкил қилинган.

2-қаватда 27 та, яъни бир ва икки кишилиқ люкс хоналар ўрин олган. 3-қаватдаги кенг фойёда ажиб гулларнинг ҳар тури мавжудки, уларга боқиб завқланасиз. Хоналар ҳам шунга мос. 4-қават сувинерлар билан безатилган, 5-қаватида эса ресторан жойлашган. Бу жойда миллий ва Европа таомларидан баҳраманд бўлиш мумкин. Монсардлий хоналардан шаҳарнинг гўзаллигига гувоҳ бўласиз.

Бу маскан тарихий услубда безатилган, замонавий тизимда ўз хизматларини тақлиф қилади. Хоналар энг янги технологиялар билан таъминланган. Бассейн ва сауна мавжуд. Меҳмонхона

имиджини сақлаш борасида кадрларга бўлган талаб анча юқори.

Меҳмонхона ҳовлиси эшиклари ни очар экансиз, гумбаз остидаги гўзал боққа тушиб қолгандай бўласиз ва сайр қилиб роҳатланасиз. Турли манзарали дарахтларнинг соя-салқинида ҳордиғингиз чиқади. Хорижий давлатлардан келтирилган 50 дан ортиқ турдаги қушлар қалбингизга ҳузур бағишлайди. Шинамгина боғда анжир, олма, анор, нок каби сархил мевалар фарқ пишган. Худуд бўйлаб меҳмонлар учун хоналар жойлашган. Стол ва бетакрор интерьер ўзгача муҳитни кашф этиб, сиз ўзингизни худди “Боғи Эрам”га тушиб қолгандай ҳис этасиз.

Оқ деворлар, декоратив деразалар, ўймакор устунлар, миллий нақшлар зеб бериб туради. Барча хоналар бир хил миллий услубда безатилган. Саёҳат қилиш хизмати ташкиллаштирилган. Бутун худуд бўйлаб бепул Wi-Fi мавжуд, мижозлар 24 соат давомида қабул қилинади. Барча хоналар замонавий мебель ва зарур жиҳозлар билан таъминланган. Агар сиз Наманганга саёҳат қилмоқчи бўлсангиз, ходимлар беминнат кўмакдош. Шунингдек, меҳмонхона сайтида сиз Ўзбекистон шаҳарларидаги турлар, меҳмонхоналар, дам олиш масканлари ва зиёратгоҳларни банд қилишингиз мумкин.

Соғлом бўлишни истаганлар учун фитнес, хизмат учрашувлари ва музокаралар учун бизнес-марказ ва замонавий банкет зали мавжуд.

Ташриф буюрсангиз, барчасини ўз кўзингиз билан кўрасиз!

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.



Мен — Мустақиллик тенгдошиман. Қарангки, бугун мен ишлаётган “Hamkorbank” ҳам айна шу санада ташкил топган. Мазкур банкда фаолият юритаётганим ва манглаймдаги ёруғликда ўзига хос ишора бордай. Наманган Муҳандислик технологиялари институтининг иқтисодиёт йўналишида таҳсил олдим. Ўқишни тамомлагач, қисқа вақт молия тизимида бошланғич малака олдим. 2018 йилдан буён “Hamkorbank”нинг Юқалиш филиалида фаолият юритиб келяпман.

ТЕНГДОШЛИК: ИФТИХОР ВА МАСЪУЛИЯТ

Банк касбий эҳтиёжимни қондирибгина қолмай, жамиятда ҳар томонлама фаол бўлиш иштиёқини берди. Вақтдан унумли фойдаланиш, қатъий интизом, муомала одоби, хушфеъллик ва маданият, ширинсуханлик, ҳатто кийиниш маданиятини ҳам кадрдон жамоамдаги талабга мувофиқ ўзлаштирдим.

“Hamkorbank” худудий менежери Муҳайё Шарипова, билимдон ва фидойи Толибжон Бойдадаев, Жаҳонгир Арслонов, Умидахон Абдурахмоновалардан касб маҳорати, инсонийлик ва оила бекаси сифатида ҳам асқотадиган кўп фазилатларни ўргандим.

Шу кунга қадар тақдир менга кўп имкониятлар эшигини очди. Шахс сифатида шаклландим. Мустақил фикрлайдиган, энг асосийси кадрдон жамоам билан филиалимиз хизмат сифатини ўстириш, мижозлар ишончини қозониш нақадар заҳматли эканини ҳам идрок этдим.

Албатта, ўттиз йил тарихий тараққиёт босқичлари олдида кўз очиб юмгунчалик вақт. Аммо, ўзини бутун борлиғи билан юқалишларга ҳисса қўшишга сафарбар этган киши учун салмоқли давр. Жонажон Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама тараққий топишига таъсир ўтказувчи банк хизматларини сифат жиҳатдан янада юксалтириб, иш унумдорлигини ўстиришга ўз билим ва малакамни сафарбар этмоқчиман.

Нокамтарликка йўйилмасину 30 ёшимиз муборак, ТЕНГДОШЛАРИМ!

Маҳмуда МАМАСОДИҚОВА,
Юқалиш филиали ходими.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!
Истиқлол шодиёнаси ва “Hamkorbank” АТБ ташкил топганининг 30 йиллиги билан муборакбод этамиз.
Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни юксалтириш ва халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш йўлида биргаликда қадам ташлайлик. Бардамлик, баркамоллик ва янги ташаббуслар сизни асло тарк этмасин.
**БАЙРАМ БАРЧАНГИЗГА
БАХТ ВА САОДАТ ОЛИБ КЕЛСИН!**

Дунёнинг манаман деган полвонлари жам бўлган энг нуфузли спорт мусобақасида жаҳоннинг энг зўри, энг кучлиси бўлиш — нақадар катта меҳнат, катта ирода ва катта натижа. Суҳбатдошимиз — ана шундай ютуқлар эгаси, “Токио -2020” Олимпиадасида 109 килограмм вазн тоифасида тош кўтариш бўйича олтин медалга сазовор бўлиб, Олимпиада рекордини ўрнатган ёш паҳлавон Акбар Жўраев.

— Чемпионлик билан яна бир бор табриклайман. Чарчоқлар чиқиб, ҳаяжонлар кетдимми ёки ҳалиям Олимпиада таъсирида юрибсизми?

— Раҳмат. Ҳаяжонлар кетди, фақат чарчоқ бор.

— Дам олишга ҳозирча имкон бўлмаяпти, тўғрими?

— Ҳа, йўқловлар бўлиб турибди. Тадбирларга чақиришяпти.

— Чемпион бўлганингизни билганингиз заҳоти кўнглингиздан қандай ўй кечди?

— Хурсанд бўлиб кетдим, кейинги Олимпиадада ҳам ғолиб бўлиш истаги ўйғонди.

— Юртошларимиз томонидан кутиб олиш жараёнида нима-ларни ҳис қилдингиз?

— Бунақа кутиб олиш ҳаётимда биринчи марта бўлгани учун жуда ҳаяжонландим. У пайтдаги ҳис-туйғуларни сўз билан айтиб беролмайман.

— Сиз билан бир хил вазнда медаллар учун курашган атлетларнинг имкониятларини яхши билармидингиз? Уларнинг қайси бирини ўзингизга жиддий рақиб ҳисоблаган эдингиз?

— Ҳа, билар эдим. Арманистонлик спортчидан кўпроқ чўчидим. Шу пайтгача ҳеч қайси мусобақада мағлуб бўлмаган эдим, ҳозир ютилиб қолсам-чи, деган қўрқув ўтди.

— Ўша асосий рақибингиз Симон Мар-

тиросян охириги паллада иккита имкониятдан фойдалана олмади. Бунга нима сабаб бўлди, деб ўйлайсиз?

— У кучини тўғри сарфламади. Агар тайёргарлиги зўр бўлганида хатога йўл қўймас эди.

— Беллашувлар пайтида ўзингизни жуда хотиржам ва совуққон тутдингиз. Ҳиссиётга берилмадингиз. Қолаверса, устозин-


Оиламизда деярли ҳаммамизнинг феъл-атворимиз ўхшаш.

— Эшитишимизга қараганда, Ўзбекистон касабасида уюшмалари федерациясига қарашли ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби спортчиси экансиз. Федерация катта имкониятларни яратиб берибди.

— Ҳа, тўғри. Токио Олимпиадасига 2019 йилдан тайёргарлик кўришни бошлаган бўлсам, федерация жуда кўп ёрдам берди. Оғир атлетикачилар бошқа спортчиларга нис-

часи шу уюшма томонидан амалга оширилди. Бунинг учун уларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

— Қишлоғингизда сизга ўхшаб оғир атлетика билан



ЧЕМПИОН УМРА ЗИЁРАТИГА БОРМОҚЧИ

шуғулланадиганлар кўпми?

— Ҳа, кўпчилик шуғулланарди. Эндиликда уларнинг сафи янада кенгайди.



— Ютуқларингиз учун, энг аввало, кимга раҳмат айтасиз. Ва сизга ўхшаб чемпион бўлишни истаётган ёш йигит-қизларга қандай маслаҳат берасиз?

— Аввало, онам, акам, устозим ва яқинларимга катта раҳмат дейман. Уларнинг қўллаб-қувватлаши, сабоқлари мени шу даражага етказди. Чемпион бўлишни хоҳловчи ёшларга маслаҳатим — машғулотларни мунтазам олиб борсин. Бир марта қолдирса ҳам натижага таъсир кўрсатади. Ҳеч нимага чалғимай, фақат ўз устида ишлаб, мақсад сари интилса, албатта, олтин медалга эришади.

— Кейинги режалар, кейинги манзил қаер?

— Насиб қилса, 2022 йил Осиё ва Жаҳон чемпионатларида иштирок этаман. Унгача дам олмоқчиман. Шу йил режадаги ишларимни бажариб, онам билан Умра зиёратига боришни ният қиляпман.

— Илоҳим, ниятларингизга етинг. Омад, куч ва ирода ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Нигора ТЎХТАМАТОВА
суҳбатлашди.

ТЎЁНА



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан Нукус шаҳрида фаолият юритаётган банк муассасалари ўртасида мини футбол бўйича “Қорақалпоғистон кубоги” мусобақаси бўлиб ўтди.

КУБОК ҚЎЛДА, ВАЪДА БАЖАРИЛДИ!

13 та жамоа ўртасида кечган беллашувда “Hamkorbank”нинг Нукус филиали ходимлари биринчи ўринни эгаллаб, кубок соҳибига айланди. Ҳалабага катта ҳисса қўшган Алишер Мадреймов “мусобақанинг энг яхши ўйинчиси” деб топилди.

“Беш йилдан буён мана шу турнирда ғолиб бўлишни мақсад қилиб юрардик, шу сафар албатта ютамыз, деб хатто сардоримизга сўз ҳам берган эдик. Ниҳоят ниятимизга етдик”, — дейди ўйинчилардан бири Абулбақр Жолдасбаев.

“Финалда Халқ банки ходимлари билан баҳс олиб бориб, 6:2 ҳисобида устунликка эришдик. Йигитларимиз ваъдасининг устидан чиқиш учун борини берди. Бу соврин байрам арафасида кайфиятимизни кўтариб

юборди. Қўшалоқ айёмга муносиб совға тайёрладик, десак янглишмаган бўламиз. Насиб қилса, кейинги мусобақаларда ҳам биринчиликни ҳеч кимга бермаймиз”, дея ўз таассуротлари билан ўртоқлашди “Hamkorbank” шарафини ҳимоя қилган жамоа етакчиси Курал Аскарлов.

Футбол — Нукус филиали ходимларининг сеvimли хоббиси. Улар ҳафтанинг икки кунини шу спорт турига бағишлайди. Ишдан сўнг яшил майдонда яйраб тўп тепиш орқали нафақат саломатликларини мустаҳкамлайди, балки, ўйинларга тайёргарлик жараёнини ҳам ўташади. Шу боис турли футбол мусобақаларида юқори ўринларни забт этиб келмоқда.

ОСИЁ.

«NAMANGAN CEMENT»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

“Hamkorbank” АТБнинг барча ходимлари ва мижозларини банк ташкил топганининг 30 йиллиги билан табриклайди.

Корхонамизнинг асосий фаолияти цемент ишлаб чиқаришдан иборат. Шунингдек, рубероид, шифер, қоғоз ва конус маҳсулотлари билан ички ва ташқи бозорда ўз ўрнига эга.

Жамоамизнинг ўн йилдан бери ривожланиши ва фаолиятининг самарали бўлишида банкнинг кўмаги алоҳида ўрин эгаллаб келаётганидан мамнунмиз. Янги лойиҳаларни амалга ошириш йўлидаги ҳамжиҳатлик алоҳида эътиборга лойиқ.

Банкнинг кўмаги билан маҳсулотларимизнинг янги турларини ишлаб чиқариш ва дунё бозорига олиб чиқишга эришилмоқда.

У билан ишлаш қулай ва манфаатли. Бизнес ғояларимизни қўллаб-қувватлашга ҳар доим тайёр бўлган “Hamkorbank”нинг мавқеи янада баланд бўлишига тилакдошимиз.

Қадрли “hamkorbank”чилар, қутлуғ айём барчангизга муборак бўлсин! Эзгу мақсадлар йўлидаги шарафли ишингизда муваффақиятлар асло тарк этмасин!

Реклама ўрнида



МУАССИС:

“HAMKOR PRESS” MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета “Hamkor Press” таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул: Н.ИУЛДОШЕВА
Саҳифаловчи: А. КАБИРОВ
Манзилимиз: Андижон шаҳри, 105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

“ZAKOVAT” NASHRIYOT UYI MCHJ босма-хонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Косонсой шаҳри, Чорбоғ кўчаси, 17-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Адади: 6029
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.